

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

3-МАХСУС СОҲ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-3

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-3



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№SI-3 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2023-SI-3>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Artur Gambaryan

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

Yosuke Shamoto

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslovovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Egamberdiyev Eminjon

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Skripnikov Nikolay Kuzmich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salayev Nodirbek Saparbayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirazov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Мухамедов Ҳайдарали Мелиевич АНТИК ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ ҲУҚУҚИ.....	5
2. Turgunov Murodjon Tursunbayevich ЎРТА АСРЛАРДАГИ МУСУЛМОН ВА ҒАРБ ФАЛСАФАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ФОРОБИЙ ҒОЯЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ.....	16
3. Ибрагимова Мухлиса Паридуновна ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИДА ЖАВОБГАРЛИК ВА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ МАСАЛАЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ.....	23
4. Ubaydullayev Abror Qutilla o‘g‘li ISLOM MOLIVASINI HUQUQIY VA TASHKILY JIHATDAN TARTIBGA SOLUVCHI XALQARO INSTITUTLARNING SHAKLLANISH TARIXI VA EVOLUTSIYASI.....	29
5. Yuldoshbekov Avazbek Alisher o‘g‘li SOLIQ MASALAHATINI AMALGA OSHIRISH PRINSIPLARI VA ULARNING TURLARI.....	35
6. Ашурова Наргиза Аъзамовна ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ МУЛКИЙ АСОСЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМИ ТАВСИФИ.....	43
7. Амангельды Айжан Амангельдыкызы ПРАВОПРЕЕМСТВО ПРАВ В СФЕРЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ.....	54
8. Чориева Хуршидабону Хуррам кизи ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК БЎЙИЧА ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....	74
9. Эшимбетова Дармон Уразбаевна КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРНИ СУДДА ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМ.....	82
10. Казакбаев Туулбай Каримбаевич КОРПОРАТИВ ШАРТНОМА ШАКЛИ ВА УНИ ТУЗИШ ШАРТЛАРИ.....	90
11. Rasulov Bekzod Boymuratovich QURILISHNI HUQUQIY TARTIBGA SOLISH – BARQAROR RIVOJLANISH MEZONI.....	98
12. Умарова Барно Акбутаевна ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАХРУМ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	107




**12.00.02-КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО. АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО.
ФИНАНСОВОЕ И ТАМОЖЕННОЕ ПРАВО**

Ибрагимова Мухлиса Паридуновна,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси таянч докторанти
E-mail: i.mukhlisa57@gmail.com

**ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИДА
ЖАВОБГАРЛИК ВА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ
МАСАЛАЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ**

For citation: Ibragimova Mukhlisa Paridunovna. LEGAL ANALYSIS OF THE RESPONSIBILITY AND PROTECTION OF THE RIGHTS OF STATE CIVIL SERVANTS. Journal of Law Research. 2023, Special issue 3, pp. 23-28

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.10505560>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада давлат фуқаролик хизмати институти ҳамда унинг ажралмас қисми бўлмиш давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми ҳуқуқий таҳлил қилинади. Илмий-назарий муҳокама ҳар бир ҳуқуқий институт учун алоҳида олиб борилиб, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил асосида ҳулосалар берилади. Илмий қарашларнинг миллий ва хорижий ҳуқуқий нормалар белгиланишидаги аҳамияти баён этилиб, миллий қонунчиликдаги баъзи номуносибликларга ечимлар таклиф сифатида берилган.

Калит сўзлар: давлат фуқаролик хизмати, давлат фуқаролик хизматчиси, жавобгарлик, ҳуқуқларнинг кақолатлари, меҳнат ва хизмат муносабатлари

Ибрагимова Мухлиса Паридуновна,
Докторант Академии государственного управления
при Президенте Республики Узбекистан
E-mail: i.mukhlisa57@gmail.com

**ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ ОТВЕТСТВЕННОСТИ И ЗАЩИТЫ ПРАВ
ГОСУДАРСТВЕННЫХ СЛУЖАЩИХ**

АННОТАЦИЯ

В данной статье дан правовой анализ правового статуса института государственной гражданской службы и его составной части государственных гражданских служащих. Научно-теоретическое обсуждение проводится отдельно по каждому правовому институту и даются выводы на основе сравнительно-правового анализа. Объясняется значение научных взглядов при определении отечественных и зарубежных правовых норм, а также предлагаются пути решения некоторых несоответствий национального законодательства.

Ключевые слова: государственная гражданская служба, государственный гражданский служащий, ответственность, нарушение прав, трудовые и служебные отношения.

Ibragimova Mukhlisa Paridunovna,
PhD student at the Academy of Public Administration
under the President of the Republic of Uzbekistan.
E-mail: i.mukhlisa57@gmail.com

LEGAL ANALYSIS OF THE RESPONSIBILITY AND PROTECTION OF THE RIGHTS OF STATE CIVIL SERVANTS

ANNOTATION

This article provides a legal analysis of the legal status of the institution of public civil service and its integral part - state civil servants. Scientific and theoretical discussion is conducted separately for each legal institution, and conclusions are drawn based on a comparative legal analysis. The importance of scholarly perspectives in determining domestic and foreign legal norms is explained, and ways to address certain discrepancies in national legislation are proposed.

Keywords: public civil service, state civil servant, responsibility, violation of rights, labor and service relationships.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган маъмурий ислохотлар натижасида миллий ҳуқуқ тизимида янги ҳуқуқий институт – давлат фуқаролик хизмати институти ташкил қилинди. Мазкур институтнинг қонунчиликда жорий этилишида албатта давлат хизматининг тадрижий такомиллаштириб борилиши асос бўлиб хизмат қилди. 2022 йилда қабул қилинган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги ўринларда Қонун)[1] давлат фуқаролик хизмати тизимини жорий этишда асос солувчи Қонун сифатида эътироф этилди. Албатта, давлат фуқаролик хизматини таҳлил қилишда давлат фуқаролик хизматчиси, унинг ҳуқуқий мақомини муҳокама қилиш шартдир. Чунки, ушбу хизматнинг амалий ифодаси айнан давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолиятида акс этади.

Давлат фуқаролик хизматчилари ҳуқуқий мақомини таҳлил қилишдан аввал, давлат фуқаролик хизмати тушунчасини ҳуқуқий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Ҳуқуқшунос олимларнинг аксарияти, давлат фуқаролик хизматига таъриф беришда унинг, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини ҳамда давлат бошқарувининг ижро органининг фаолиятини амалга ошириш тизими сифатида эътироф этадилар. Хусусан, россиялик ҳуқуқшунос олим, давлат хизматининг, хусусан, давлат фуқаролик хизмати тушунчасига таъриф берар экан, бунга кенг илмий-назарий нуқтаи назардан ёндашади. Унинг фикрича, давлат хизмати давлат органлари томонидан уларга юкланган вазифаларни бажаришда кадрларни бошқаришдир. Бундан ташқари олим, иш ҳақи давлат бюджети ҳисобидан амалга ошириладиган ҳар қандай меҳнат фаолиятини ҳам давлат хизмати сифатида эътироф этади. [2].

Яна бир ҳуқуқшунос олим Ю.А.Тихомиров эса давлат хизматига куйидагича таъриф беради. Давлат хизмати – бу давлат органлари ва давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини бажариш шарт бўлган ходимларнинг узлуксиз касбий фаолиятини ташкил этишдир. Бунда олим давлат хизматини ташкил этиш жараёнига урғу берганини кўришимиз мумкин. Унинг таъкидлашича, ушбу категориядаги ходимларнинг бевосита меҳнат фаолияти “давлат хизмати” таърифига киритилмаган. [3].

Бир гуруҳ ўзбек ҳуқуқшунос олимлари ҳам, давлат хизмати, хусусан, давлат фуқаролик хизматига ўз қарашларини қатор илмий ишланмаларда баён этгандар[4].

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, давлат фуқаролик хизматига дастлабки ҳулосаларни санаб ўтамиз. Давлат фуқаролик хизмати давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини самарали амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган энг муҳим конституциявий-ҳуқуқий институтдир. Фикримизча, давлат фуқаролик хизмати

институтининг жамоатчилик билан алоқалари бир неча йўналишларга ажратиш мумкин: иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, халқаро муносабатлар, маданият, таълим ва бошқа йўналишларда давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий воситасидир. Умуман олганда, сиёсий мақсадлар ва давлат сиёсатининг юқорида келтирилган йўналишларини амалга ошириш самарадорлиги икки омилга боғлиқ: Биринчидан, давлат сиёсатининг шаклланиб келаётган ижтимоий муносабатларга мувофиқлиги, иккинчидан эса давлат бошқаруви функциясини амалга ошириш механизмнинг замонавий талабларга жавоб бера олишидир.

Юқорида берилган хулосаларни асос сифатида олиб, давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқий мақоми ушба соҳа доирасидаги фундаментал институт сифатида эътироф этамиз. Қонуннинг учинчи боби давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқий мақомига бағишланган бўлиб, ушбу бобда, давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, чекловлари ҳамда жавобгарлик масалалари белгиб берилган. Шундан келиб чиқиб, миллий қонунчиликка кўра, давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми ушбу тўрт категориядан иборат эканлигини хулоса қилиш мумкин.

Бу борада, ҳуқуқшунос олимлар ҳам ўз фикрларини бериб ўтганлар. Жумладан, Бир гуруҳ олимларнинг фикрича [5], “Давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми – бу ходимларнинг қонун билан белгиланган ва давлат томонидан қафолатланган ҳуқуқлари, эркинликлари, мажбуриятлари, чекловлари, таъқиқлари ва жавобгарликлари мажмуидир.

В.А.Козбаненко эса, давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқий мақомини “Давлат ёки коммунал хизмат муносабатлари соҳасида давлат томонида ўрнатилган ва таъминланган хизмат вазифаларини бажарувчи шахсларнинг одоб-ахлоқ қоидаларини ифодаловчи ҳуқуқ ва мажбуриятлар, ижтимоий-ҳуқуқий қафолатлар, ҳуқуқий чекловлар мажмуи деб таърифлайди.[6]”

Н.В. Новоселова давлат фуқаролик хизматчисини аввало давлат органида меҳнат фаолиятини юритувчи ходим сифатижа эъторф этиб, унинг ҳуқуқий мақоми – бу ўз лавозимида расмий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ нормаларида мустақамланган мажбуриятлар, чекловлар ва ҳуқуқлар йиғиндиси мазмунидаги нуқтаи назарни илгари суради[7].

Ушбу фикрларнинг умумлаштириб давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқий мақоми нафақат оммвий ҳуқуқ, балки, хусусий ҳуқуқнинг меҳнат ҳуқуқий муносабатлари билан ҳам тартибга солинишини таъкидлаш жоиз. Меҳнат ҳуқуқий муносабатларда эса, ходим билан меҳнат шартномаси тузилишида унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, жавобгарлик ҳолатлари белгиланса, давлат фуқаролик хизматчисида эса кўшимча тарзда унинг чекловлари ҳам ҳуқуқий мақоми доирасига киради.

Энди бевосита ушбу мақоланинг предмети ҳисобланган давлат фуқаролик хизматчиларининг жавобгарлиги ва уларнинг ҳуқуқлари қафолатларини назарий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қиламиз.

Жавобгарлик тушунчасини таҳлил қилар эканмиз, Сербиялик ҳуқуқшунос олим И.Крбекнинг фикрларини келтириш жоиз. Унинг фикрича “Давлат хизмати давлат хизматчилари учун ташкил этилмайди, балки давлат хизматчилари давлат учун хизмати учун тийнланадилар. Удар давлат хизмати билан боғлиқ барча имтиёзлар, барча ҳуқуқлар, барча эркинликларга, биринчи навбатда ўз хизматини тўғри йўлга қўйиши туфайли эришадилар”. Яъни, давлат хизматини ўташ мобайнида барча ҳаракат ёки ҳаракатсизликлари учун жавобгар бўлагнликлари уларга кўшимча имтиёлар беради. [8]

Ғарб илмий назарий адабиётларда давлат фуқаролик хизматчилари жавобгарлигининг икки хил шакли мавжудлиги келтирилган. Улар: ҳуқуқий ва ноҳуқуқий жавобгарликдир.

Ҳуқуқий бўлмаган жавобгарликнинг энг муҳим турлари қуйидагилардир: ахлоқий ва сиёсий.

Юридик жавобгарлик қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: интизомий, моддий, жиноий ва бошқалар.

Сиёсий жавобгарлик сингари, маънавий жавобгарлик ҳам давлат хизматчиларининг иши ва ҳаракатлари учун шубҳасиз аҳамиятга эга, лекин қонуний жавобгарлик, албатта,

бундан ҳам муҳимроқдир. Барча санаб ўтилган жавобгарлик турларини ҳисобга олган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, бир турдаги жавобгарлик бошқасини истисно қилмайди. Шунингдек, амалиётда интизомий ва жинойий жавобгарлик ўртасидаги параллеллик тез-тез учраб туради, аммо ҳар хил турдаги жавобгарлик ўртасидаги аниқ фарқ ҳали ҳам мавжуд.

Қонунда давлат фуқаролик хизматчиларининг жавобгарлик масаласида қўйидаги ҳолатлар келтириб ўтилган. Давлат фуқаролик хизматчисининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади[9].

Давлат фуқаролик хизматчисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишига сабаб бўлди деб ҳисобловчи жисмоний ёки юридик шахс бундай ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилишга ҳақли.

Давлат фуқаролик хизматчисининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жисмоний ёки юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрни қонунчиликда белгиланган тартибда давлат органи томонидан қопланиб, ушбу зарар кейинчалик айбдор бўлган давлат фуқаролик хизматчисидан ундириб олинади.

Давлат органи раҳбарининг ёки мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф топшириғини бажариш натижасида давлат фуқаролик хизматчиси томонидан етказилган зарарнинг ўрни қонунчиликда белгиланган тартибда давлат органи томонидан қопланади. Зарар миқдори қонунга хилоф топшириқни берган давлат органи раҳбаридан ёки мансабдор шахсидан регресс тартибда ундирилади.

Бундан ташқари Меҳнат кодексига ҳам интизомий жавобгарликка тортиш масалари ҳам белгилаб қўйилган бўлиб, мазкур нормалар давлат фуқаролик хизматчиларига ҳам татбиқ этилади.

Назарий адабиётларда юридик жавобгарлик масаласида қуйидаги фикрлани умулштириш мумкин. Жавобгарлик ижтимоий ҳулқ-атвор қоидаларига тўғри келмайдиган хатти-ҳаракатлари учун бошқалар олдида ҳисоб бериш ва бу қоидаларга риоя қилмаслик учун маълум оқибатларга олиб келишини аңглатади. Реаксия қилиш ижобий ҳуқуқий норманинг санкцияларига дучор бўлишни аңглатади. Юридик жавобгарлик - ҳуқуқий ҳулқ-атвор қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик, я'ни умувий ҳуқуқий нормалар қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик, я'ни давлат хизматчисига иш фаолияти давомида етказилган зарар учун. Бинобарин, юридик жавобгарликнинг моҳияти қандайдир ижобий тартибга солиш тартибига ётади.

Юридик жавобгарликнинг таърифига келсак, бир нечта келишувлар мавжуд. Органик назарияга кўра, маъмурий мансабдор шахсларнинг хатолари давлат хатоларини ташкил қилади. Риск назариясига кўра, маъмурий мансабдор шахсларнинг хатолари уларнинг шахсий хатоларидир, аммо улар учун жавобгарликни давлат ўз зиммасига олади. Жабрланувчининг назариясига кўра, маъмурият ишида йўл қўйилган хато, бунинг учун жавобгарликдан қатъи назар, унга нисбатан қилинган шахсга қопланиши керак. Норматив назариянинг позицияси шундан иборатки, маъмурий хатолик давлат хизматчисининг ноқонуний хатти-ҳаракатларини аңглатади, чунки у бунинг ўз хоҳиши билан қилган.

Давлат хизматчиларининг ҳуқуқий жавобгарлиги шакллари: интизомий, моддий, жинойий ва ҳуқуқбузарликлардир. Расмий қонун фақат интизомий ва молиявий жавобгарликка тааллуқлидир. Шунингдек, давлат хизматчилари тўғрисидаги қонун фақат ушбу икки турдаги жавобгарликни тан олади ва тартибга солади. Ушбу ёндашув жуда асосли, чунки бу қийматдан ошиб кетиш қонун матнига кераксиз юк бўлади. Бошқа жавобгарлик турлари бошқа қонунлар билан батафсил тартибга солинади.

Фикримизча, бундай ёндашув ҳар бир давлатнинг миллий ҳуқуқ нормаларидан келиб чиқиши лозим. Ўзбекистон Республикасида давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб ахлоқ нормаларига риоя этишлари кўзда тутилган. Мазкур қоидалар йиғиндиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича

кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сон Қарори[10] билан тасдиқланган. Ушбу ҳужжатга кўра, давлат фуқаролик хизматчилари касбий маданият, хизмат фаолияти, хизматдан ташқари одоб ахлоқ қоидалари, жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан муносабатларга оид ҳамда хизмат фаолиятиданги ташқи куруниш ва кийиниш услубига оид одоб ахлоқ қоидаларига риоя этишлари белгиланган. Шу билан бирга, берилган одоб-ахлоқ қоидаларига бўйсунмаганлик учун жавобгарлик масалалари ҳам баён этилган. Яъни Давлат хизматчилари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик ҳолати уларга нисбатан ахлоқий ва интизомий таъсир чораларини қўллаш учун асос бўлади. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан давлат хизматчиларига қуйидаги ахлоқий таъсир чоралари қўлланилади: огоҳлантириш; узр сўраш ёки расмий узрнома келтиришни талаб қилиш; давлат органлари ва ташкилотларининг коллегиял йиғилишларида танбех бериш.

Ушбу ҳужжатнинг мазмунидан кўйидаги хулосани бериш мумкин.

Биринчидан, давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятида доираси жавобгарлик масалалари, ҳам Қонун, ҳам Меҳнат Кодекси нормалари қўлланади.

Иккинчидан давлат фуқаролик хизматчиларининг хизмат фаолиятидан ташқаридаги ҳул атвори юридик жиҳатдан тартибга солинган бўлиб, унга риоя этмаслик ўзига хос ҳуқуқий оқибат келтириб чиқаради.

Учинчидан, илмий-назарий жиҳатдан, жавобгарлик хизмат фаолияти даврида ёки ундан ташқарида бўлмасин, ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳуқуқий тартибга солинади.

Муҳокамадаги кейинги масала бу – давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқларидир. Қонунда давлат фуқаролик хизматчиларининг қуйидаги ҳуқуқлари санаб ўтилган:

ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг ўзига хос хусусияти ва мураккаблигига, бажарилган ишларнинг миқдори ҳамда сифатига мувофиқ ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда иш ҳақи олиш;

касбий компетенциялари ва алоҳида хизматлари учун рағбатлантирилиш;

давлат органининг маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан мунтазам равишда малакасини ошириб бориш;

меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда ҳамда шартларда меҳнат шартномасига ўзгартишлар киритиш ва шартномани бекор қилиш;

ўз мансаб ваколатларини, хизмат мажбуриятларини ва жавобгарлигини белгиловчи лавозим йўриқномаси ва бошқа ҳужжатлар билан танишиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқ бўлган иш ўрнига эга бўлиш;

Фикримизча мазкур нормалар Меҳнат Кодекси нормалари билан такрорланади. Юқорида келтириб ўтилган нормалар Меҳнат кодексининг тегишли моддаларида иш берувчи ва ходим ўртасидаги меҳнат ҳуқуқий нормарида акс эттирилган.

“Давлат фуқаролик хизматчилари тўғрисидаги қонун” давлат хизматчиларига бир қатор ҳуқуқларни белгилайди. Давлат хизматчилари тўғрисидаги қонун ва меҳнат тўғрисидаги қонундан ташқари меҳнат хавфсизлиги ва соғлиғи тўғрисидаги қонун ва бошқаларга мувофиқ ҳуқуқлардан ҳам фойдаланадилар. Улар ўз ҳуқуқларини апелляция, маъмурий низолар орқали амалга ошириши ва ҳимоя қилиши мумки. Бироқ, бу қоидаларнинг барчаси мансабдор шахсларга маълум мажбуриятларни юклайди. Дарҳақиқат, давлат хизматчилари фақат умумий меҳнат муносабатлари режимига бўйсунадиган ходимларга нисбатан қонун билан қатъий белгиланган жуда кўп масъулиятга эга. Бу улар қилаётган ишларнинг табиатини ҳисобга олган ҳолда мантиқийдир.

Белгиланган ҳулқ-атвор қоидаларига риоя қилмаган тақдирда, давлат хизматчилари интизомий, моддий, жиноий жавобгарликка тортиладилар ва ҳуқуқбузарлик учун жавобгардирлар. Бир турдаги жавобгарлик бошқасини истисно қилмайди. Бундан ташқари, улар қонундан ташқари жавобгарлик турлари сифатида ҳам маънавий, ҳам сиёсий жавобгарликка тортиладилар. Ижтимоий номақбул хатти-ҳаракатларнинг бундай турлари учун ҳеч қандай низомда санкциялар назарда тутилмаган бўлса-да, ҳар бир давлатнинг ахлоқ

қоидаларига риоя қилиниши ва давлатда сиёсий функцияларни эгаллаган шахслар уларни лавозимга олиб келган органнинг сиёсатини ҳурмат қилишлари манфаатдордир.

Хулоса қилишимиз мумкинки, ҳар бир давлат, шу жумладан бизда ҳам давлат хизматчилари учун ҳуқ-атвор қоидалари ва қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилмаганлик учун санкциялар белгилаши мумкин. Аммо энг катта манфаат шундаки, мамлакат фуқаролари, ҳаттоки давлат хизматини бажарувчи мансабдор шахслар ҳам, агар уларнинг бузилиши қатъий қонуний жазога олиб келмаса ҳам, жамоат ахлоқ қоидаларини ҳурмат қиладилар.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни (Law of the Republic of Uzbekistan "On State Civil Service"). <https://lex.uz/uz/docs/6145972>.
2. Стариков Ю. Н. Службное право. М.: ПроффПресс, 2013. 241 бет. (Starilov Yu. N. Service law. M.: ProfPress, 2013. 241 page).
3. Тихомиров Ю. А. Административное право и процесс: полный курс. М.: Наука, 2016. 406 бет. (Tikhomirov Yu. A. Administrative law and process: a complete course. M.: Nauka, 2016. 406 p.)
4. Хайитов Хушвақт Сапарбаевич. Davlat fuqarolik xizmatida mehnat munosabatlarini huquqiy tartibga solish masalalari. Т.: Жамият ва бошқрув 2020 йил. 21-27 бетлар. (Khaitov Khushvakt Saparbaevich. Issues of legal regulation of labor relations in the state civil service. T.: Society and Bashkir 2020. Pages 21-27.)
https://www.researchgate.net/publication/360516384_Davlat_fuqarolik_xizmatida_mehnat_munosabatlarini_huquqiy_tartibga_solish_masalalari/citations#fullTextFileContent
5. Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Стариков Ю.Н. Административное право. - Москва: Норма, 2005. - 800 с. (Bakhrakh D.N., Rossinsky B.V., Starilov Yu.N. Administrative law. - Moscow: Norma, 2005. - 800 p.)
6. Козбаненко В.А. Правовой статус государственных гражданских служащих: структура и содержание. Монография. – Москва, 2003 155 с. (Kozbanenko V.A. Legal status of state civil servants: structure and content. Monograph. – Moscow, 2003 155 p.)
7. Новоселова Н.В. Обязанности и права государственного служащего: автореферат диссертации канд.юрид.наук. – Екатеринбург, 2001 (Novoselova N.V. Responsibilities and rights of a civil servant: abstract of the dissertation of candidate of legal sciences. – Ekaterinburg, 2001)
8. Крбек И. (1932). Административное право, Организация государственного управления, Книга II. Загреб: Югославская пресса. (Krbek I. (1932). Administrative Law, Organization of Public Administration, Book II. Zagreb: Yugoslav Press.)
9. Чиканова Л. А. Применение трудового законодательства к служебным отношениям на государственной гражданской службе: теория и практика: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. М., 2015. 36 с. (Chikanova L. A. Application of labor legislation to official relations in the state civil service: theory and practice: abstract. dis. ... Doctor of Law. Sci. M., 2015. 36 p.)
10. <https://lex.uz/docs/6236838>



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

3-МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-3

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000